

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 57 (11.118)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

### Касба сатрларда

● **ЎТГАН** куни «Ёшлик» талабалар шарҳасида Наврўз айёми муносабати билан уюштирилган халқ уйинлари ва спорт мусобақаларида олий ўқув юртлири талабалари, ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари, ўқитувчилари иштирок этишди.

● **БУГУНДАН** ҳамза туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида «Тенгдош» маданият уйи қошидаги Тасвирий санъат студияси аъзолари томонидан Наврўзга бағишлаб тайёрланган «Ассалом, баҳор» мавзудаги расмлар кўргазмаси намойиши бошланди. Ушбу тадбир 27 мартгача давом этади.

● **ЮНУСОБОД** туманидаги «Шахристон» маҳалласида Наврўзи олам муносабати билан маҳалла фаоллари, ёшлари иштирокида ўтказилган байрам тадбирида Мирҳосил Усмонов томонидан ёзилган ушбу маҳалла тарихи тўғрисида ҳикоя қилувчи «Маҳаллам — отам-онам» китобининг тақдими ҳам бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Тошкент Молия институтининг 1,2-талабалар турар жойларида талабалар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган байрам тадбири «Наврўзинг муборақ, элим» деб номланди.

● **БУГУН** Тошкент Маданият колледжида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган баҳорий таомлар кўргазмаси Наврўз айёми муносабати билан уюштирилди.

● **ТОШКЕНТ** Ирригация ва мелиорация институтида Бутунжаҳон сув кунига бағишланган тадбир ўтказилди.

● **СОБИР** Раҳимов туман ҳокимлигида туман фаоллари, ёшлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари иштирокида ўтказилган семинар ёшлар орасида жиноятчилик ҳоллари содир этилишининг олдини олиш масалаларига бағишланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

## ЯРАТИШ, ЯНГИЛАНИШ, МЕҲРОҚИБАТ АЙЁМИ



**ЮРТИМИЗГА ЭЗГУЛИК, МЕҲР-МУРУВВАТ, ХАЙР-САХОВАТ, ҚУТ-БАРАКА, ТЎКИН-СОЧИЛИК, ЯНГИЛАНИШ ВА ЯШАРИШ АЙЁМИ—НАВРЎЗИ ОЛАМ КИРИБ КЕЛДИ. БУТУН БОРЛИҚ ЯШИЛИККА, ЯХШИЛИККА, ГУЛУ ЧЕЧАККА БУРКАНИБ, БИНАФШАЮ ЯЛПИЗЛАРНИНГ ХУШБЎЙЛАРИДАН ЯШНАБ КЕТДИ. ҲАР БИР ИНСОН ДИЛИДА ШОДУ ХУРРАМЛИК, ШУКРОНАЛИК ҲИСЛАРИ ЖЎШ УРМОҚДА.**



Неча минг йиллик буюк қадриятлар, урф-одат ва анъаналар, энг эзгу ва ҳаётбахш гоёларни ўзида мужассам этган Наврўзимиз бугун бутун республикамиз бўйлаб маҳаллалар, корхона, ташкилот ва ўқув юртлирида карнай-сурнай наволари янграб, куй-қўшиқлар авжида катта тантана билан байрам қилинмоқда. Ҳозирда шахримизнинг қай бир туманига борманг Наврўзи олам шодиёналарининг устидан чиқасиз.

— Асрлардан асрларга ўтиб келаятган боқий Наврўзимиз муста-

қиллик туфайли қайта тикланиб, ҳалқимиз томонидан катта хурсандчилик, шодиёналик билан нишонланмоқда,— дейди Ўзбекистон Миллий боғида набирасини етаклаб байрам суруридан завқ олиб юрган таниқли элшунос олим Билал Аминов. — Уйғониш, нафосат, меҳр-оқибат айёми барчага қадрли, барчага азиз. Чунки ҳар бир халқнинг миллий ўзига хослиги, анъана ва маросимлари, урф-одат ва қадриятларини кўрсатадиган байрамлари бўлади. Асрлар бўйи яратилиб, зукко халқимизнинг юксак ижодий салоҳияти

туфайли тобора сайқал топиб, ривожланиб келган Наврўзимизни ана шундай байрам десак хато қилмаймиз. Йилдан йилга улғайиб, ҳар бир авлоднинг кўнгил чаманзоридан бўй олиб сайқал топган ушбу шодиёна ҳамма эзгуликни улуглаб, кишилар қалбига яхшилик, меҳр-муруват, бунёдкорлик, ободончилик, ватанпарварлик, мўл ҳосил ва қут-баракат гоёсини жо этиб келган. Шундай кунларга етказганига шукр, илоҳим юртимиз тинч, байрамларимиз бардавом бўлсин.

(Давоми 2-бетда).

Ана шундай тадбирлардан бири Боннда (ГФР) ўтказилди. Уни «Германия — Ўзбекистон» дўстлик жамияти ва ушбу шаҳар мэриги томонидан Ўзбекистоннинг Берлиндаги элчихонаси ва Франкфурт-Майндаги Бош консулхонаси билан ҳамкорликда ташкил қилинди. Байрамда шаҳар ижтимоий-сиёсий, ишбилармон, илмий ва маданий доиралари вакиллари, маҳаллий журналистлар, шунингдек Германиянинг турли шаҳарлари олий ўқув юртлирида тахсил олаётган ўзбекистонлик талабалар иштирок этди.

Бонн шаҳри бургомистри А.Йостин ўз табрик нутқида Германия ва Ўзбекистон ўртасида турли соҳалардаги ўзаро муносабатлар, шунингдек, Бонн билан Бухоро шаҳарларининг шериклик алоқалари ривожига юксак даражада эканлини таъкидлади.

Тадбир меҳмонларига Наврўз айёми, унинг келиб чиқиш тарихи ва нишонланиши кўлами, Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча халқ ва миллатлар учун умумий ҳисобланган ушбу нафосат ва баҳор, ёшариш ва янгилашиш байрамининг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Ўзбек усталари томонидан тайёрланган халқ амалий санъати намуналарининг намойиши этилгани байрамга ўзига хос шарқона шукҳ бахш этди. Меҳмонлар эътиборига концерт дастури ҳам ҳавола этил-

ди. Кўплаб боннликлар Буюк Ипақ йўлида жойлашган юртимизнинг мафтункор мусикаларини тинглаб ва гўзал рақсларини томоша қилиб, ўзбек баҳорининг бетакрор таровати тўла хис этиш имконига эга бўлди.

«Ўзбекистон-Германия» дўстлик жамияти вакили Френк Лемкенинг таъкидлашича, Наврўзнинг байрам қилиниши Бонн шаҳри мада-

ни ҳаётининг ёрқин воқеалардан бўлди.

— Биз, Ўзбекистон дўстлари ушбу айёми Германияда 1992 йилдан буюн анъанавий тарзда нишонлаб келамиз. — дейди у. — Наврўзнинг ажойиб таровати тўлалигича умуминсоний қадриятлар билан уйғунлашиб кетган. Бугун тадбир иштирокчилари ўзбек халқининг кўна тарихи ва маданияти билан яна бир бор ошно бўлди.

Наврўз байраминга бағишланган кеча Германиянинг Магдебург шаҳрида ҳам бўлиб ўтди. Унинг очилишида сўзга чиққан Саксония-Анхальт федерал ўлкаси бош вазири, профессор Вольфганг Бёмер

ўзбек халқининг сеvimли байрами — Наврўз тантаналари муносабати билан Ўзбекистоннинг аjoyиб маданияти билан яқиндан танишиш имконияти юзага келганини қайд этди. У ушбу байрам Саксония-Анхальт ва юртимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳамда иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришида ўзига хос кўприк бўлиб хизмат қилиши-

ми кечаси шаҳар аҳлига Ўзбекистоннинг ўзига хос маданияти ва бугунги ҳаёти билан яқинроқ танишиш имконини яратганини таъкидлади. Тадбир катнашчилари юртимизда Наврўз айёми нишонланиши тарихи ва анъаналари, амалга оширилаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар тўғрисида батафсил ахборотга эга бўлди. Кечада, шунингдек, меҳмонлар учун Ўзбекистон санъат усталари концерт дастури намойиш этилди.

Ловендегем шаҳри мэриги ходимаси Анна Курт бир неча йил аввал мамлакатимизга сайёҳ сифатида ташриф буюриб, ўзбек халқи маънавий ва маданий қадриятлари билан бевосита танишиш имкониятига эга бўлганини айтиб ўтди.

— Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент шаҳарларининг бетакрор гўзаллиги, шунингдек ўзбек халқининг очикўнгиллик ва самимийлик, ўзига хос маданият ва анъаналар мени ҳайратга солди, — дея таъкидлади А.Курт хоним. — Ловендегем шаҳрида ўтказилган тадбир ҳамда ўзбекистонлик санъаткорлар томонидан намойиш этилган турли-туман концерт дастурлари Ўзбекистон ва Наврўз ҳақидаги унутилмас таассурот сифатида хотирамизда муҳрланиб қолди. Биз баҳорнинг бундай жўшқин ва эзгу байрамини билан келгуси йилда яна учрашишни интиқлик билан кўтиб қоламиз.

(Давоми 2-бетда).

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ АЪЗОЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2008 йил 26 март куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойеида рўйхатга олинди.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон «ягона Хитой» бўйича ўз катъий мавқеини тасдиқлаб, Тибет автоном районини Хитой Халқ Республикасининг ажралмас қисми деб, ҳисоблайди ва Хитойнинг ички иши бўлган, ушбу районда ҳуқуқий тартибни тиклаш ва барқарорликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлайди.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАРИ

Ўзбекистон «ягона Хитой» бўйича ўз катъий мавқеини тасдиқлаб, Тибет автоном районини Хитой Халқ Республикасининг ажралмас қисми деб, ҳисоблайди ва Хитойнинг ички иши бўлган, ушбу районда ҳуқуқий тартибни тиклаш ва барқарорликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлайди.

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Наврўз айёми кунлари Тошкентда «Sirkechi Tashtekstil» Ўзбекистон-Туркия янги кўшма корхонасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Бир ойда 200 тонна атрофида ип-калава тайёрлаш имкониятига эга мазкур корхонада 100 нафар киши иш жойи билан таъминланган бўлиб, у тўла қувват билан фаолият бошлагач, ишчи-хизматчилар сони янада ортади.

● Наврўзи олам шуқуҳи кезаётган шу кунларда Фарғона вилоятининг Кўқон шаҳрида ёш оилалар учун 64 хонадонга мўлжалланган иккита турар жой биноси фойдаланишга топширилди. Ушбу кўп қаватли уйларни бунёд этишда «Мегатехника плюс» ва «Газсервис групп» масъулияти чекланган жамиятлари қурувчиларининг хизмати катта бўлди. Бу ерда 1 миллиард сўмликдан ортиқ қурилиш ишлари бажарилди.

● Хоразм вилояти Кўшкўпир туманида туман ҳокимлиги, туман прокуратураси ҳамда Бандликка кўмаклашиш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган меҳнат ярмаркасида 50 га яқин корхона ва ташкилот тиббиёт ва таълим муассасалари 400 га яқин бўш иш жойини тавсия этди. Ярмарка давомида 124 нафар талабгор муқим иш жойига эга бўлди, 40 нафар хотин-қиз тумандаги кичик корхоналарга касаначилик асосида ишга жалб этилди.

● Навоий вилоятининг Учқудуқ шаҳрида Наврўз байрамига бағишланган савдо ярмаркаси ўтказилди.

● Тошкентдаги Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Марказий Офицерлар саройида республика Маънавият ва маърифат маркази ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамкорлигида «Наврўзи олам» номли болалар мусиқий ижодий фестивали бўлиб ўтди.

● Бердак номидаги Қорақалпоқ давлат университети маданият саройида Ёшлар йилга бағишланган адабий-бадий кеча ташкил этилди.

● Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Бастакорлар уюшмаси ҳамда «Соғлом авлод учун» халқро хайрия жамғармаси томонидан ташкил этилган «Санъат гунчалари» танловининг Қашқадарё вилояти босқичи Қарши санъат коллежида ўтказилди. Унда ёш мусиқачилар фортепиано ва скрипка йўналишлари бўйича куч синашдилар.

● Баҳорнинг илк ойи Фарғона вилоятида «Қамолот» ойлиги» деб эълон қилинди. Шу муносабат билан вилоят ҳокимлиги томонидан алоҳида тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, муваффақиятли амалга оширилди. Ўтказилаётган тадбирлар «Ёшлар йили» дастурига ҳамроҳандир.

### ЖАҲОНДА

● Кеча Миср Президенти Хусни Муборак Россияга ташриф буюрди. Россия-Миср саммитида бир қатор муаммолар, жумладан, Яқин Шарқ, Ироқ, Дарфурдаги аҳвол, Фаластин-Исроил муносабатлари, Ливандаги сиёсий танглик, Эрон ядро дастури муҳокама этилмоқда, энг муҳими, ядро энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш масаласи бўйича икки томонлама келишув ҳам имзоланади.

● Яманнинг Сана шаҳрида Фаластиннинг ФАТХ ҳавфсизлик ҳаракати ва ХАМАС жангарилари гуруҳи расмий вакилларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда вакиллар низоларга чек қўйиш ва ўзаро тинчлик шартномасини имзолашди.

● Ливан парламенти спикери Набиҳ Берри мамлакатда президентлик сайлови 17-мартда қолдирилишини таъкидлади. Бунга Ливаннинг айна вақтда оғир сиёсий тангликни бошидан кечириётгани сабаб бўлмоқда. Таъкидлаш жоизки, парламент томонидан сайланиши керак бўлган президентлик лавозими 2007 йил 24 ноябрдан бери бўш турибди.

● 2010 йилга келиб Европа Иттифоқи аъзо давлатларнинг барча мактаблари тезкор Интернет хизматига уланади.

● Бағдодда содир этилган қўпуровчилик ҳаракати оқибатида 57 нафар маҳаллий аҳоли ва тўрт нафар АҚШ аскари ҳаётдан кўз юмди. Шу тариқа Ироқдаги жангларда ҳалок бўлган америкалик аскарлар сони 4 мингга етди.

● Кеча Грециянинг Олимпия шаҳрида Пекинда ўтказиладиган ёзги Олимпиада-2008 ўйинлари машъаласи ёқилди. Машъалани машҳур актриса Мария Кялписту ёқди. Олимпия машъаласи 130 километр йўлни босиб ўтади ва ушбу эстафетادا ўн минглаб спортчи катнашади. Машъала беш қитъадан олиб ўтилгач, май ойида Хитойга келтирилади ва 8 август куни Олимпиада ўйинларига старт берилади.

● Кеча АҚШнинг Айова шаҳрида турар жойда бўлиб ўтган отишма чоғида беш киши ҳалок бўлди.

● Туркия мамлакатда дастлабки атом электр станцияси қурилиши муносабати билан тендер эълон қилди.

● Бангладешда содир бўлган кучли бўрон оқибатида ўндан ортиқ одам ҳаётдан кўз юмди, жароҳатланганлар сони 200дан ошди. Соатига 100 километр тезликда эсган кучли шамол оқибатида электр узатиш тармоқлари ишдан чиққан, ўн минглаб турар жой бинолари ва мактаблар вайрон бўлган.

# ЯРАТИШ, ЯНГИЛАНИШ, МЕХР-ОҚИБАТ АЙЁМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Бундан тўрт минг йил илгари ҳам ушбу байрам нишонлангани тарих саҳифаларида қайд этилган, — дейди тарихчи олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, профессор Ҳожиакбар Хамидов. — Аждодларимиз она заминни нурга чулғайдиган қуёшни, ризқ-рўзимиз манбаи бўлмиш тупроқни, поклик ва ҳаёт тимсоли бўлмиш сув ва оловни муқаддас ҳисоблашган. Шунинг учун ҳам уни қадрлаш асраб-авайлаш, исроф қилмасликка интилишган. Халқимиз ўзлигини толибдики янги йил, янги кунни баҳорий тенгқунликдан бошлашган, шу кунни бободеҳон ерга барака уругини қадаган, ободончилик, бунёдкорлик ишлари бошланиб кетган. Мустақиллик туфайли ўзлигимиз, миллий, маданий, буюк қадриятларимиз қадр тоғди. Хар йили оиламиз, набираю, қўни-қўшиллар билан ушбу кунни байрам қилгани юракда гурур билан Ўзбекистон Миллий боғига келамиз. Кўнглимиз тўлиб, яратилган гўзалликдан баҳраманд бўлиб дам оламиз, Наврўзимиз боқий бўлсин деб ният қиламиз.

Хамшаҳарларимиз қалбига тектилик ва куч-ғайрат бахш этаётган бу ажиб ва тароватли айёмда шаҳримизнинг қай бир гўшасида бўлмайлик қувонч, ўйин-кулги, ҳазил-мутойиба, турли спорт мусобақалари ўтказилаётганига гувоҳ бўлдик. Таассуротларимизни имкон қадар қозоғга туширишга ҳаракат қилдик.

● Шаҳримизнинг энг гўзал масканларидан бири бўлмиш Чилонзор туманида ҳам кутлуг шодиёна Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғи, Фахр Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғи, Халқлар Дўстлиги майдони ва тумандаги маҳаллаларда зўр шоду-хуррамлик, ўйин-кулги билан нишонланди.

— Наврўз байрамини халқимиз қанчалик севишини уларнинг кўнглини кайфияти, жамулжам бўлиб турли тадбирларни ўтказиб бир пиёла чой устида дилдан сўхбат қуришларида ҳам кўриш мумкин, — дейди туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Мутаттархон Солиқова. — Байрам баҳона аразлашиб қолганлар ярашди, муҳтожлар кўнглини кўтариб сова-саломлар билан йўқланди. Биз ҳам Наврўз айёмида бемор, каровчисини йўқотган, ногирон оилаларнинг ўйларига бориб моддий-маънавий кўмак кўрсатдик, 114-мактаб ва 496-мактабга таълим муассасасига мусикали марказ сова қилдик, 22-Меҳрибонлик ўйи тарбияланувчилари учун чиройли байрам дастурхонини тузаб сова-саломлар улашдик. Қизлар учун Тошкент Давлат иқтисодиёти университети ҳомийлигида талаба-қизлар бежирим кийим-кечаклар тикиб беришди. «1-Қатортол», «Шарқ», «Чилонзор», «Мевазор» каби бир қатор маҳаллаларда ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, саховат ва ўзаро ҳурмат каби олижаноб қадриятлар тимсоли бўлган Наврўз байрами ўзгача шукҳ ва тароват билан ўтказилганлиги алоҳида таассурот қолдирди. «Баҳористон» маҳалласида эса кўш тантана нишонланди. Сабаби маҳаллада наънавий, чиройли қилиб қурилган арканнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Дошқозонларда қайнаган сумалак ва ҳалимлар, кўк сомаю чўчаралар дастурхонлари беэди.

● Бутун борлиққа ўйинчи, яшариш, яшатиш айёми, овоз ва обод Ватанимизга кут-барака, тўқинлик рамзи бўлиб кириб келган Наврўзи олам Яқасарой туманидаги Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида ҳам катта хурсандчилик билан бошланиб, айниқ-

са болажонларнинг асфальтга расм чизиш, варрак учирш мусобақалари, турли спорт ўйинлари, шунингдек, тумандаги Хуршид, А.Авлоний номидаги маданият ўйи бадий ҳаваскорлари ва таниқли санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар билан янада серфайз ўтди. Эътиборлиси, боғда Республика Байналмилал маданият маркази ташаббуси билан Наврўз айёмига бағишлаб ўтказилган маънавий-маърифий тадбир катта-кичикда унутилмас таассурот қолдирди. Умрбоқий дўстлик, тотувлик, яхшилик, дўсту биродарлик рамзи бўлган ушбу тадбирда юртимиздаги миллий-маданий марказлар, жамоат ташкилотлари ва хорижий дипломатик корпус вакиллари бир олам завқу шавқ билан иштирок этдилар. Халқимизга хос бағрикенглик, ҳамжиҳатлик, аҳиллик каби олижаноб фазилатлар тараннум этилган ушбу тадбирда мамлакатимизда истиқомат қилаётган 130 дан ортиқ турли миллат ва элат вакиллари ягона оила бўлиб бирга яшашлари, урф-одатлари, анъаналарини асраб-авайлаш, янада ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар яратилгани яқол намён бўлди десак адашмаймиз.

— Республика Байналмилал маданият маркази томонидан юртимизда осойишталик, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, эзулик, олижаноблик, бағрикенглик, тотувликни тараннум этишга бағишланган бундай тадбирлар жуда кўп жойларда ўтказилиб келинади, — дейди биз билан сўхбатда марказ ходими Екатерина Комарская. — Уларда албатта бахши ва оқинлар айтишувлари, бадий кўргазма ва концертлар алоҳида ўрин эгаллаб, она—Ўзбекистонимизга бўлган меҳр-муҳаббат ўз ифодасини топади. Буларнинг бари мамлакатимиздаги тинчлик-тотувлик, давлатимиз раҳбари томонидан миллатлараро дўстликни асраб-авайлашга қаратилган эътибор ва ғамхўрлик самарасидир.

— Хар йили ушбу боғда анъанавий тарзда ўтказилиб келинадиган, табиатнинг ўйғониши, диллар дилларга боғловчи Наврўз байрамини соғиниб кутаман, — дейди ўқитувчи Наталья Шиманфи. — Оиламиз билан яраймиз. Турли миллат вакиллари урф-одат, анъаналарини ўзда акс эттирувчи кўргазмаларни кўриб ўзига хос миллий таомлардан баҳраманд бўлиб, такорланмас куй-қўшиқларга рақсга тушиб байрамни нишонлаймиз. Ўзбекистон—бизнинг ўйимиз, уни кўз қорачиғидек асраймиз.

● Бу йилги Наврўз ҳар йилгидан ўзгача тароватли, нафосатли, куч-ғайратга тўлиқдек гўё. Чунки бу Наврўз — Ёшлар йили Наврўзи, ёшликка хос ғайрат-шижоат, ўт-олов бор қат-қатида. Юнусобод туманидаги «Ёшлик» спорт мажмуасида ўтказилган гўзаллик, шижоат, нафосат, маҳоратни ўзда мужассам этган «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» деб номланган фестивалда иштирок этган ҳар бир катнашчининг кўнглида ўт-олов ёшлиқнинг бөгубор фаслига ҳавас, шу билан бирга бир олам фахру гурур ўйгонган бўлса ажаб эмас. «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан таъинланган ҳар йилгидек умумхалқ Наврўз айёмини биргаликда нишонладилар. Айниқса, Ёшлар йилида ушбу тадбирга алоҳида тайёргарлик қурилди. «Ёшлар йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, ёшларни жисмонан ва маънан баркамол, соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш, бундан ташқари мазмуни ўтказишга кўмаклашиш, ўз миллий урф-одат, анъана ва ма-


росимлар, она Ватанига садоқат туйғулари шакллантиришга қаратилган ушбу тадбирда 11 та туман вакиллари кўлни кўлга бериб катта иштиёқ билан қатнашдилар.

— Ушбу фестивалда «Хуш келибсиз, ҳурматли меҳмон!» миллий дастурхони, «Наврўз ва ёшлар», «Аждодларга муносиб авлод бўлайлик» мавзудаги турли шартлар бўйича талаба ёшлар ўзаро беллашдилар, — дейди «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар Кенгаши бўлими мудири Гулнора Абдуваҳובה. — Мен ҳайъат раиси сифатида уларни баҳолашда шошилиб қолдим. Гарчи танлов дўстона беллашув ҳисобланса-да талаба учун хар бир иштирокчи катта тайёргарлик кўрганлигидан бир бирларидан устун кўйинг келмайди. Кўнук куй-қўшиқларга ҳамоҳанг, тортишув, баҳс-мунозараларга бой бўлган ушбу тадбирдан гўё биз ҳам ёшлигимизга қайтгандек бир олам таассурот билан қайтдик.

● Шунингдек, орзулар ушаладиган, эртанги кунга яхши ният, катта ишонч билан боқадиган улғу айём кунинда асрий анъана, миллий қадриятларимиз тимсоли Наврўзи олам Сергели туманидаги «Янги Сергели» маданият ва истироҳат боғи, Юнусободдаги «Сайилгоҳ», Мирзо Улуғбек туманидаги Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи, Мирободдаги Алишер Навоий номидаги академик Катта театри, Шайхонтоҳур туманидаги «Ибн Сино» мавзесидаги гузар, Собир Раҳимов туманидаги Талабалар шаҳарчаси, Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи, Ҳамзадаги «Авиасозлар» маданият саройи майдони, Учтепа туманидаги «Боғи шамол» маданият ва истироҳат боғи, Бектемирдаги «Нихол» спорт мажмуалари ва шаҳримиздаги кўплаб маҳаллаларда катта тантана, юксак кўтаринчилик, бир олам, янги-янги орзу-ниятлар билан нишонланди. Куй-қўшиққа, шўх яллалар рақсларга уланди, кишилар ўртасида меҳр кўнгли ришталарини бир-бирига боғлади. Кексалар иззатда, кичилар ҳурматда бўлиб келадиган ярадилар, бир пиёла чой баҳона дийдор ширинлиги, умрнинг ганимат дамлари хар бир кўнглида буй кўрсатди, яхшиликни соғиниб яшашга, хайрли ишга бош бўлишга чақирди.

Зотан, хар бир кўнгли меҳр-муҳаббатга тўлган кун, эзулик, хайр-саховатга эш бўлган юртга байрамлар ярашади. Орзиқиб, соғиниб кутганимиз Наврўзи олам бугун жаннатмонанд юртимиз меҳмони. Фурсатни ганимат билиб ота-боболаримиз бошларини хайрли ва эзу ишларини давом эттириб, шукҳули дамларнинг файзи-тароватини, кадр-қимматини янада оширайлик, токи юртимизнинг хар бир гўшаси, маҳалласи, хонадонидан байрамлар аримасин, кўнгли хотир-жамлиги ҳеч кимни тарк этмасин. Ишонимизки, байрам нафаси юртимиз узра ҳали давом этиб хар бир дилга илиқлик, меҳр-оқибат олиб киради. Хуш келдинг ўлкамга Нарўз! Қаранг, азиз ҳамшаҳрим, осмону фалақда варрақлар болажонларнинг қийқириқлари остида янада юксакка парвоз қилмоқда. Бу албатта эртанинг мунаваар тонгларидан нишонандир. Парвозинг чўққиларни забт этаверсин, мустақил юртимизнинг бек боласи!

Шоира МУҲАМЕДОВА  
СУРАТЛАРДА: кадр-қиммат айёми-Наврўзи оламга бағишлаб шаҳримиз туманларида ўтказилган байрам тадбирларида лавҳалар.  
ЎЗА, Наталья Семёнова ва Алексей Попов олган суратлар.



## НАВРЎЗ ТАРОВАТИ ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИДА УФУРИБ ТУРДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Наврўз шодиёналари Буюк Британиядаги Кембридж университетининг «Эммануэл» коллежида ҳам бўлиб ўтди. Ушбу байрам тадбирида илмий доиралар, дипломатия корпуси, Британия жамоат тузилмалари вакиллари ҳамда талабалар иштирок этди. Буюк Британияда тахсил олаётган ўзбекистонлик талабалар бу ерда намойиш этилган концерт дастурида катнашиб, халқ муסיкий асарларини ижро этишди. Ўзбекистон давлат консерваторияси битирувчиси Сардор Мирзахўжаев (рубоб ва дутор) ва Глиэр номидаги муסיқа мактаби ўқувчиси Даврон Зариповнинг (доира) чиқишлари меҳмонларда алоҳида таассурот уйғотди.

Марказий Осиё бўйича Кембридж Форуми раиси, доктор Ситхард Саксена ўзбекистонлик ёш муסיқачилар Наврўз байрами маъно ва моҳиятини англаб етишга кўп жихатдан хисса қўшганини қайд этди. — Мазкур тадбир Марказий Осиё маданиятининг бой, гўзал ва бетакрор эканини намойиш этиб, биз учун минтақа ва Ўзбекистонни янгидан кашф этиш имкониятини яратди, — деди у.

Ўзбекистоннинг Вашингтондаги элчихонасида ўзбек халқининг кўхна ва фусунгор байрами — Наврўзга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унга ташриф буюрган меҳмонлар асрлар давомида сайқал топиб келаятган ушбу байрам анъаналари билан яқиндан танишишди.

Тадбир доирасида ўзбек ипаги кўргазмаси очилиши маросими бўлиб ўтди. Меҳмонлар ўзбек шойи тўкиш ҳамда ипақ матоларни бадий безаш санъатининг бой анъаналарига гувоҳ бўлишди. Аниқ экспозициялар мисолида уларда миллий ўзига хослиги билан алоҳида ажралиб турувчи асл матоларни ишлаб чиқариш хусусида хар томонлама тасаввур ҳосил қилинди.

Тадбир меҳмонлари учун Ўзбекистон давлат санъат институти фахрий профессори Лора Грэй раҳбарлигидаги АҚШда машҳур бўлган «Silk Road Dance Company» хореография ансамбли томонидан кизиқарли концерт дастури тайёрланди. Кўхна ва ажойиб ўзбек рақс санъати томошабинларда унутилмас таассурот уйғотди.

Тадбир америкалик меҳмонларнинг кенг олқишлари ва самимий тилакларига сазовор бўлди. Улар байрам тантанаси АҚШда Ўзбекистоннинг тарихий-маданий мероси нечоғли аҳамиятга эгалигини янада чуқурроқ англаб етишга хизмат қилганини яқдиллик билан таъкидладилар.

Нуфузли «Meridian International Center» жамоат ташкилоти фахрий аъзоси Д.Катлер куйидагиларни қайд этди: «Бугун биз қадим даврлардан буйён бошланиб, авлодлар учун сақлаб келаятган ўзбек халқи анъаналари билан танишишга муяссар бўлдик. Биз халқ амалий санъати усталарининг ажойиб меҳнати акс этган этнографик галереяни томоша қилдик. Анъанавий хоналас ва иқат намойиш қилинган ўзбек ипаги кўргазмаси турфа ва улғувор ранглари билан ёлға қолди. Ўзбек муёқалам усталарининг бадий суратлар кўргазмаси ҳам беқиёс таассурот уйғотди».

Нуфузли «International Neighbors Club» ташкилоти бошқаруви аъзоси, таниқли жамоат арбоби Ш.Кейси ўзбек шойи тўкиш усталарининг маҳоратига юксак баҳо берди. Унинг қайд этишича, улар чуқур ўзига хослик, бой анъана ва юқори даражадаги бадий кадр-қимматга эга санъатни намойиш этган.

Ўзбекистоннинг Киевдаги элчихонасида Наврўз байрами муносабати билан тантанали қабул маросими ўтказилди. Унда Украина давлат, ишбилармон доиралари ва жамоатчилиги вакиллари катнашди. Тадбир Киев вилоятининг «Ўзбекистон» жамияти ва Харьков шаҳридаги ўзбек миллий маданият маркази иштирокида ташкил этилди. Қабул маросимида сўзга чиққан Украина ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Ю.Костенко мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик алоқалари, ўзбек миллати учун хос бўлган азалий урф-одат ва маданият хусусида тўхталиб ўтди.

Тадбир доирасида санъат усталарининг концерти, шунингдек, ўзбекистонлик расом Амир Холиқов ишлаган суратлар ва халқ амалий санъати буюмлари кўргазмаси ўтказилди.

«Жаҳон» АА

## Санъат

### ОРКЕСТР ИЖРОСИДАГИ СИМФОНИЯЛАР

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ СИМФОНИК ОРКЕСТРИ КОНЦЕРТ РЕПЕРТУАРИ ЯНГИ АСАРЛАР БИЛАН БОЙИДИ. ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНЪАТ АРБОБИ БАСТАКОР МИРХАЛИЛ МАҲМУДОВ ИЖОД НАМУНАЛАРИ ҲАМ МУХЛИСЛАРГА ТАҚДИМ ҚИЛИНДИ.

Ўзбекистон Давлат консерваториясида намойиш қилинган бу муסיқа кечаси таниқли бастакор таваллудининг 60 йиллигига бағишланди. Ўзбекистон халқ артисти Зоҳид Ҳақназаров дирижёрлигида янграган асарлар орасида бастакорнинг қатор йирик муסיқалари ҳам бор эди. «Тўрт кўн соли симфония», «Иккинчи симфония», «Флейта учун соли концерти ижроси ҳам томошабинларга манзур бўлди.

### «ЗАМИНФИЛЬМ» КАРТИНАЛАРИ

«ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМҒАРМАСИ ИЖОДКОР ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙЎЛИДА ҲАМ ИБРАТЛИ ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИБ КЕЛМОҚДА. «ЗАМИНФИЛЬМ» СТУДИЯСИ ҲАМ ЖАМҒАРМА ҲОМИЙЛИГИДА ЎЗ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ КЕНГАЙТИРИБ БОРМОҚДА.

Студия томонидан янги суратга олинган «Нортуй» деб номланган фильмнинг юзага келишида ҳам жамғарма ҳиммат кўрсатди. Ёшлар ҳаётидан олиб постановка қилинган мазкур экран асарининг бош қаҳрамони ролини «Божалар» гуруҳининг етакчи кўшиқчиси Жаҳонгир Позилжонов ижро этди.

«Заминфильм» студияси суратга олган «Бойвачча» картинаси ҳам энг яхши ижод намунаси деб баҳоланди. Акбар АЛИЕВ

## ТОШКЕНТДА ХАЛҚАРО СЕМИНАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИДА «ҲИНДИСТОН-МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУЛОҚОТИ: БОЙ МАДАНИЙ ВА ТАРИХИЙ МЕРОС АСОСИДА ҲАМКОРЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЎРНАТИШ» МАВЗУСИДА ХАЛҚАРО СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ.

Икки кун давом этган тадбир Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Лаъл Баҳодур Шастри номидаги ҳинд маданият маркази ҳамда Тошкент давлат Шарқшунослик институти ташаббуси билан ташкил этилди.

Халқаро семинарда Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Сканд Ражан Тайал бошчилигидаги элчихона вакиллари, Ҳиндистон, Россия, Қозоғистон ва Тожикистондан келган профессор олимлар, ҳиндшунос олимлар ҳамда халқаро ташкилот ходимлари иштирок этди.

Тадбирда Тошкент давлат Шарқшунослик институти профессори, ҳиндшунос Озод Шаматовнинг «Ўзбекистонда Ҳиндистонни ўрганиш», Калкуттадаги Маулана Абул Калам Азад номли Осиёни ўрганиш институти ректори Харри Васудеванин «Ҳиндистонда Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш» мавзусидаги маърузалари тингланди. Шунингдек, семинар давомида Москвадаги Жаҳон иқтисодиёти институти ректори Геннадий Чуфрин, Кашмир университети ректори Муштак Кав ҳамда тожикистонлик ҳиндшунос олим Абдурахим Жўраев Марказий Осиёда ҳиндшуносларнинг фаолияти ҳақида маъруза қилишди.

Ҳиндистонлик ва ўзбекистонлик профессор олимлар икки давлат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларнинг ривожланишига доир ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Таълим соҳасида ҳам икки давлат ўртасида амалга оширилаётган ислохотлар ва қилиниши лозим бўлган ишлар хусусида келишиб олишди.

Тадбир якунида меҳмонлар эътиборига Лаъл Баҳодур Шастри номидаги ҳинд маданият маркази талабалари томонидан ташкил этилган байрам кечаси ҳавола этилди.

Рустам ХАЙДАРОВ,  
«Туркистон-пресс»

## «ОФАРИН»НИНГ БАҲОР ТУҲФАСИ

МИЛЛИЙ САНЪАТ МАРКАЗИДА «ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМҒАРМАСИ ТАШАББУСИ БИЛАН «ОФАРИН» РАҚС ТЕАТРИНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШLANGAN МУСИҚИЙ КОНЦЕРТИ НАМОЙИШ ЭТИЛДИ.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси санъатнинг барча жабҳалари каби муסיқа, рақс соҳасида изланаётган ёшларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, янгидан-янги ижодий изланишлар сари даъват этиш борасида кенг қўламли ишларни амалга ошириб келмоқда. Мамлакатимизда мунтазам ўтказилаётган муסיқа ва рақс фестиваллари, анжуманлар, бадий кўргазмалар, ижодий кўрик-танловлар бунинг далилидир.

Жамғарма 2003 йилда ташкил этил-

ган ва асосан ёшлардан таркиб топган «Офарин» рақс театри жамоаси иштирокидаги ранг-баранг ижодий лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширишга яқиндан кўмаклашиб келмоқда. Ана шундай эътибор самараси билан «Офарин» Жанубий Корея, Индонезия, Германия, Бирлашган Араб Амириклари, Исроил, Латвия, Россия, Япония, Франция каби давлатларда рақс фестиваллари, концертлар, санъат байрамларида муваффақиятли иштирок этган.

Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА муҳбири

## ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР СТУДИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИДА «УСТОЗ ВА ШОГИРД»ЛИК ЙЎЛИ БИЛАН ҲАМ ПОСТАНОВКАЛАР ТАЙЁРLANMOҚДА.

Зеро, бу санъат қошонасида фаолият кўрсатаётган болалар опера ва балет студияси истеъдодли ёшлардан ташкил топган. Студия аъзолари етук актёрлар ижросида сахналаштирилган қатор спектакллarga ҳам жалб этилмоқда. Студия томонидан мустақил постановка қилинган «Қор одам ва етти бадбашара пакана» спектакли эса яқинда репертуардан ўрин олди.



03-03 УТГАНИД ДОМО БУЛАР...

МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ ХИКМАТЛАР

Дарвеш тўнига кўёш пинхон бўлса, Хайрат жойимас, булут хукмрон бўлса.

Ишонма зоҳирига, ботини балки ёмон бўлмай, Заҳар баъзан ширин ҳалвонинг ичинда ниҳон бўлмай.

Ит бўлса кичиклигида мурдор, Улғайса, шу феъл бўлар намудор.

Душман ўлганига бўлма мамнун, Ҳеч ким бу жаҳонга бўлмас устун.

Гар бўлса ўтинлар бари уд, тош эса дур, Тўймайди кўзи очнинг кўзи барибир.

Нокасга насиба берма, кучга тўлади, Бўри тиши тез бўлса, қон кўп тўқади.

Кайдан билади уйқучи масту хуммор, Утказганини бемор тунни бедор?

Шукр эт, уйдасан, аҳли аёлинг қошда, Бечора мусофирнинг аҳволи бошқа.

Ёритмас агар лутфи чирогой йўлини, Топмас киши ўз жаҳди билан манзилини.

Ҳар ким етук олим, комил инсон эса бок; Кафши унинг эски-ю, тўни қирқамок.

Уч тоифа дунёда чиқаргай донглар: Пайгамбару мискину улуг инсонлар.

Толе нури кўзларингни этсин равшан, Дўст кўрса қувонсин, куйиб ўлсин душман!

Сен ухлаганигда биз паришон бўлдик, Уйгондинг-у, биз тирилдик — хандон бўлдик.

Тортишади асли хунук юзга ниқоб, Сен тўсма гўзал юзингни асло, моҳтоб!

Шамнинг шўъласи агар баланд бўлгандир, Хавфим шук: бир кун уйинг ўт олгандир...

Яхшилик яхши — қил қўлингдан келса, Маълумдир ажри ким ёмонлик қилса.

Гар зоҳиду ринду фосику пок бўлиш — Имкони қўлингдамасми, маъзур бу иш.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ЭНГ САРАЛАР ҒОЛИБ БЎЛДИ

ТОШКЕНТА «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИНИНГ «КАМОЛОТ» СТИПЕНДИЯСИ ВА «КАМОЛОТ ТАЪЛИМ» ГРАНТИ ЛОЙИХАЛАРИ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ.

Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг истеъдод ва интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган мазкур лойиҳалар талабалар ўртасида оммавийлашди, десак муволаға бўлмайдими. — Ушбу танлов ўзимга бўлган ишонччи, масъулиятни янада ортирди, — дейди «Камолот» стипендияси соҳиби, Жиззах Давлат педагогика институти «Мақтабгача таълим ва болалар спорти» йўналиши 3-босқич талабаси Гавҳар Бобобекова. — Давлатимиз томонидан биз ёшларга берилётган эътиборга билим ва интилишимиз билангина муносиб жавоб бера оламиз.

Уч босқичда ўтказилган ҳар икки лойиҳада ҳам Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги олий ўқув юрталарининг талабалари фаол иштирок эттишти. Биргина «Камолот» стипен-

дияси дастурига 1500 дан ортиқ талаба ҳужжат топшириб, 113 нафари республика босқичига йўлланмани кўлга киритди. Тавсия этилган ишлар Республика комиссияси томонидан кўриб чиқилиб, 20 нафар талаба «Камолот» стипендиясига муносиб деб топилди. Уларга махсус гувоҳнома ҳамда олий ўқув юрталарида белгилан республика давлат стипендияларидан фарқли қўшимча маблағ тўланади.

2007-2008 ўқув йилида ўтказилган «Камолот» таълим гранти дастурига 6500 дан ортиқ талабалар иштирок этиб, уларнинг 96 нафари республика босқичига қатнашиш имконини кўлга киритди, шундан 23 нафар талаба ғолиб деб топилди. Улар бир йиллик шартнома пулининг 50 фоизи миқдордаги пул мукофоти билан тақдирланди.

Ғолиблар рейтинг дафтарчасига кўра, ўқув предметларини ўзлашти-

риш даражаси, жамоат ишлари ва «Камолот» ЕИХ фаолиятида фаол иштироки, кўрик-танловлар, турли мусобақаларда кўлга киритган ютуқлари, илмий-ижодий ишлари, бундан ташқари, истеъдоди, иқтидори, фикрлаш қобилияти ва дунёқараши кенглигига қараб аниқланди.

Шунингдек, танлов ғолиблари учун «Камолот» мен ва имкониятларим» мавзуда маданий-маърифий тадбир ташкил этилди. Тадбир давомида совриндорлар «Мустақиллик ва эзгулик» монументи пойига гулчамбар қўйишди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатига ташир буюришди. Совриндорларни тақдирлаш маросими Ўзбек Миллий академик театрида ўтказилди. Шунингдек, лойиҳа доирасида олий таълим муассасаларидаги бошланғич таълимнинг ўртасида ўтказилган танлов ғолиблари ҳамда «Бунёдкор» талабалар меҳнат оtryдларининг фаол аъзолари ҳам тақдирланди.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА, «Туркистон-пресс»

ЁШ ТОМОШАБИНЛАР РЕСПУБЛИКА ТЕАТРИДА «ҚИЗҚАРЛИ ТАРИХ» НОМЛИ СПЕКТАКЛ ПРЕМЬЕРАСИ БОШЛАНДИ. БУ САҲНА АСАРНИНГ АҲАМИЯТИ ШУНДАКИ, УНДА МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАР ФАВҚУЛОДДА ҚОЛАТЛАРГА ТУШИШ ҚОЛАНЛАРИДА НИМА ҚИЛИШИ ЛОЗИМИЛИГИ ОБРАЗЛИ ҚИЛИБ ТАСВИРЛАНГАН.

ФАВҚУЛОДДА ҚОЛАТЛАРДА БОЛАЛАРГА КЎМАК

Саҳна асари «Соғлом авлод» халқро хайрия жағфармасининг махсус лойиҳаси ижросига қаратилган бўлиб, ёзувчи Татьяна Чаброва асари асосида саҳналаштирилган. Бундан ташқари, спектаклда, мактаб ёшидаги болаларнинг рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга ақл билан ёндашиши, ноқулай ва фавқулодда вазиятларда тўри йўл танлаш олиши кабиларга алоҳида эътибор қаратилган.

Саҳна асари премьерасига «Сен ёлғиз эмассан» жағфармасининг кўмаги билан пойтахтдаги «Меҳрибонлик» уйларида тарбияланётган 250 нафар болалар жалб этилди. Жорий йилнинг охиригача бу саҳна асари ҳар ойда театр саҳнасида намойиш этилади ва минглаб болалар унда баҳраманд бўлишади. Шунингдек, Тошкент ва Сирдарё вилоятларидан ҳам болалар тақлиф этилиши режалаштирилган.

«Туркистон-пресс»

Спорт янгиликлари

МУТАХАССИСЛАРНИНГ МАҲОРАТ МАКТАБИ

ТОШКЕНТАДА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ОЛИМПИА ҚЎМИТАСИ ВА РЕСПУБЛИКА ТАЭКВОНДО (WTF) ФЕДЕРАЦИЯСИ ХАЛҚАРО ОЛИМПИА ҚЎМИТАСИНING ОЛИМПИА БИРДАМЛИГИ ДАСТУРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ТАЭКВОНДО МУТАХАССИСЛАРИ ВА МУРАБИЙЛАРИНИНГ СЕМИНАРИНИ ТАШКИЛ ЭТДИ.

Беш кун давом этадиган анжуманда юртимизнинг барча ҳудудларидан келган йигирмадан зиёд мураббий ва мутахассис амалий ва назарий машғулотларда малака оширади. Ўзбекистон Олимпия қўмитаси Халқаро Олимпия қўмитасининг Олимпия Бирдамлиги дастури билан ҳамкорликда 1997 йилдан буён олимпия спорт турлари бўйича мураббийлар, ҳакамлар ва мутахассислар учун мунтазам равишда амалий ва назарий машғулотлар ўтказиб келади.

Жаҳон таэквондо федерацияси (WTF) вакили, халқаро эксперт Ли Су Йёл мазкур семинарда Ўзбекистонда кўплаб спорт турлари катори таэквондо ҳам ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тўрт юзга яқин таэквондо секциясида ўн мингдан зиёд ўғил-қиз спортнинг мазкур тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Спортчиларимиз таэквондонинг WTF йўналиши бўйича халқро майдонда ҳам юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келмоқда. Жумладан, Рашид Аҳмедов ҳам ўзбекистон ўртасидаги жаҳон чемпионатида кумуш медални кўлга киритган. Катталар ўртасида эса Эдуард Ҳегай жаҳон чемпионати шохсупласининг иккинчи логосини забт этган. Шунингдек, Евгения Каримова ва Павел Югай каби моҳир спортчиларимиз Осиё ўйинларида совринли ўринларни эгаллаган.

Вакилларимиз 2004 йилда Греция пойтахти Афинада ўтказилган Олимпиада ўйинларида илк марта таэквондо бўйича беллашувларда татамига чиққан.

Бу йил Пекинда (Хитой) ўтказиладиган Олимпиада ўйинларида эса Евгения Каримова, Акмал Эргашев ва Дмитрий Ким таэквондо бўйича юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

Зоҳир ТОШЎЖАЕВ, ЎЗА мухбири

ЙИРИК ҲИСОБДАГИ ҒАЛАБА

МУХЛИСЛАРГА ЯХШИ МАЪЛУМКИ, ЭРТАГА ТОШКЕНТАДАГИ «МХСК» СТАДИОНИДА ЎЗБЕКИСТОН—САУДИЯ АРАБИСТОНИ ТЕРМА ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДА 2010 ЙИЛДА ЖАНУБИЙ АФРИКА РЕСПУБЛИКАСИДА УЮШТИРИЛАДИГАН ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА САРАЛАШ ТУРНИРИНИНГ ГУРУҲ БАҲСИ БЎЛИБ ЎТЯДИ.

Ана шу муҳим беллашувига тайёргарлик кўриш мақсидида кун кеча «МХСК» стадионида Ўзбекистон — Иордания терма жамоалари ўртасида ўртоқлик учрашуви ўтказилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, терма жамоалар бош мураббийларининг ўзаро келишувиغا мувофиқ учрашувда ҳар бир футболчи майдонга туширилди. Терма жамоамизда ўйнаш имкониятига эга бўлган 23 футболчининг майдонда ҳаракат қилганлиги кимнинг қандай имкониятга эга эканлигини яққол исботлаб бер-

ди. Биринчи бўлимда терма жамоамизда Нестеров, Ашурматов, Суонос, Алиқулов, Аҳмедов, Желаров, Бақоев, Карпенко, Гейрих, Копадзе, Иномовлар ҳаракат қилишган бўлса, иккинчи бўлимда Жураев (Жабборов), Каримов, Ҳайдаров, Хошимов, Ғофуров, Николаев, Маъдиев, Солиев, Ф.Тожиёв, З.Тожиёв, Исмоиловлар Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишди.

Очилини айтиш керак, рақиб дарвозасига ҳаффи ҳужумлар уюштиришда, чиройли комбинацияларни амалга оширишда майдонда тўп билан эркин ҳаракат қилишда жаҳондариимиз тўпик устунлигини кўлга киритишди. Шу боисми, 90 дақиқа мобайнида мухлислар 5 та голнинг гувоҳига айланмишди. Учрашув 4:1 ҳисобида Рауф Инилеев шогирдларининг ғалабаси билан якунланди. Меҳмонлар дарвозасига тўпларни терма жамоамизнинг моҳир футболчилари Желаров, Иномов, Ф.Тожиёв, З.Тожиёв, меҳмонлардан—Алло Ҳасан Мухаммадлар киритишди.

(Ўз мухбиримиз)

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЕАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда 2008 йил 29 апрель кунин соат 11:00 да ўтказиладиган ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ! Аукцион савдога Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туман суд ижроичилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 13.08.2007 йилдаги 10-0708(14)/7529-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Себзор даҳаси «Себзор» жарима майдончасида сақланаётган «Дамас» русумли д/р 10АҚ897 бўлган, 2005 йилда и/ч, автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 6 989 000 сўм.

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ томонидан 2008 йил 29 апрель кунин соат 11.00да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига ҚУЙИДАГИ АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАСИ ҚЎЙИЛМОҚДА: Тошкент шаҳар Сергели тумани суд ижроичилари бўлими томонидан 2008 йил 21 январдаги 967/6-сонли ижро ҳужжати асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳри, Сергели туманидаги Спутник-7/9 мавзесида жойлашган Сергели тумани жиноий ишлари бўйича суди ҳовлисида сақланаётган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами мавжуд бўлган, техник носоз ва дивател рақами F8C340203, «Тико» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси—3 800 000 сўм.

«KAFOLAT RIELT» МЧЖ, 2008 йил 11, 15, 22, 29 апрель кунлари соат 12.00да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида очик аукцион савдоларини ўтказида. Аукцион савдоларига ҚУЙИДАГИ МУЛК ҚАЙТАДАН ҚУЙИЛМОҚДА: «BESHQAYRAG'OCHNON» ШКнинг тугатиш бошқарувчиси томонидан тақдим этилган, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, М.Уйғур кўчаси 555-а-й манзилида жойлашган «BESHQAYRAG'OCHNON» ШК банкорт қорхонасига тегишли мол-мулкларни мулкнинг мажмуа сифатида қўйилади. Бошланғич баҳоси - 286 574 300 сўм

ХУРМАТЛИ ХАМШАҲАРЛАР! Барчамиз хонадонларимизга етказиб берилаётган газ, электр энергияси, совуқ ва иссиқ сувдан фойдаланамиз. Унутманг, кўрсатилган коммунал хизматлар бўйича вақтида ҳисоб-китоб қилиниши эртанги кундаги сифатли хизматлар гаровидир. Коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатлари учун тўловларни ўз вақтида тўлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир ва ушбу тўловлар пойтахтнинг уй-жой — коммунал хўжалигини янада ривожлантириш йўлида сарфланади. Аҳоли томонидан истеъмол қилинган электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ҳамда бошқа коммунал хизматлар учун тўловлар аҳолининг ўз танловига кўра, фақат чекловларсиз тижорат банки муассасаларида, тўловларни қабул қилиш кассаларида ва почта бўлиналарида амалга оширилади.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси раҳбарияти 2008 йил 27 март кунин соат 10 дан Сергели тумани ҳокимлиги биносида тадбиркорларни мавжуд муаммолари юзасидан қабул қилади. Қабулга муаммога оид асослантирувчи ҳужжатлар билан келиш мақсадга мувофиқдир.

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. 1850 x 2950 x 100 мм, 640 x 2435 x 16 пўлат; гильотина, ишламайдиган холдаги фрезерлик даст; тгчи сотиб олам. Т: 305-03-54.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кунин соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Матбуотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.